

13 январь 2022 йил

Тахياتош тумани

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахياتош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи раҳбар П.А.Бабаназаров бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Нукус Махсус давлат ўрмон хўжалиги номидан устав асосида иш юритувчи раҳбар А.Аспетуллаев иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг куйидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
						I	II	III	IV
Дизель ёқилғиси	ЭКО	тонна	11810027,00	0,550	6495514,85	0,550	0,00	0,00	0,00
Жами:				0,550	6495514,85	0,550	0,00	0,00	0,00

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 15%ҚҚС ҳисобланган ҳолда **6495514,85** (олти миллион тўрт юз тўқсон беш минг беш юз ўн тўрт) сўм 85 тийинни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади ва нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

Дизель ёқилғисидан ташқари (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда янги нархлар қўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида дизель ёқилғисини (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) белгиланган тартибда алоҳида (нефть маҳсулотларини тошиш хизмати) шартнома асосида, дизель ёқилғисидан ташқари барча нефть маҳсулотларини «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи»томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDAGI HUQUQIY
XULOSA**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi «Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 5168-son qaroriga asosan

1.Loyihaning turi – Shartnoma

2.Loyihaning nomi –Dizel yoqilg'isini sotib olish haqida.

3.Nukus shahar ixtisoslashtirilgan davlat o'rmon xo'jaligining 2022-yil 13-yanvar kuni kiritilgan Taxiatoch neft bazasidan **6 495 514,85** (olti million to'rt yuz to'qson besh ming besh yuz o'n to'rt) so'm 85 tiyinga 550 litr dizel yoqilg'isini sotib olish to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq .

**Nukus shahar Yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti**



A.Seytnazarov